

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

## ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ УСЛУБЛАРИ АМАЛДА

Халқимиз қадим-қадимдан қўлида хунари бор кишиларни ардоқлаб, Уста, деб атаб келган. Ана шу катта ҳарф билан ёзиладиган касб эгасининг мавқеи бугунги кунда янада баланд бўлмоқда. Мадомики шундай экан, ҳар қандай касб эгаси фан-техника ютуқларини пухта эгалламаса, тинимсиз изланмаса, доимий равишда ўз малакасини оширмаса яхши натижага эришиши амримаҳол.

Бу фикр бевосита уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш мутахассисларига ҳам дахлдор. Бинобарин, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кўп жиҳатдан, айнан шу соҳанинг қай даражада малакали мутахассислар билан таъминланганига ҳам боғлиқ. Зотан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард натижаси ҳам одамларнинг ўз ҳаётларидан қанчалик мамнун эканликларига боғлиқ.

Ачинарлиси, тизимда кадрлар малакасини ошириш масаласи яқин ўтмишда бутунлай эътиборсиз қолдирилган. Бунинг салбий оқибатлари ҳам яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда кадрлар малакасини ошириш масаласи энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 18 апрелда “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармонда, жумладан, қисқа муддатларда соҳа мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш зарурияти долзарб масала сифатида таъкидланди. Қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун вазирлик қошида “Komunalo‘quv” методик маркази ташкил этилди. Ўқув маркази раҳба-



рияти олдиға қисқа муддатларда малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи қўйилди. Натижада ўқув марказимизда бир қатор янги соҳалар, жумладан, сув таъминоти ва канализация тизимлари лабораторияси, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси хонаси, насос станциялари автоматикаси, энергия тежамкорлиги лабораторияси, ахборот-ресурс маркази ва компьютер зали ҳамда ишчи гуруҳ хоналари ташкил этилди. Шунингдек, марказнинг барча лаборатория ва ўқув хоналари замонавий мебеллар, кондиционерлар, оргтехника воситалари, интерактив электрон доскалар ҳамда “Сув таъминоти тизимлари”, “Сув таъминоти тизимлари автоматикаси” ўқув стендлари ва “Гипохлорит натрий ишлаб чиқариш қурилмаси” каби ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ўқув методик марказимизда модулли технология асосида амалга оширилади. Бу дегани таълим жараёни зичлаштирилган ва қисқа муддатга мўлжалланган модуллар (ахборот бирликлари) ёрдамида олиб борилмоқда, деганидир. Ушбу мақсадда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини яратиш тартиби ва уларнинг тузилиши, мазмуни, расмийлаштирилишига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, вазирлик буйруғи билан амалиётга жорий этилди.

Қоидага кўра, битта модуль бир нечта оддий ҳаракатлардан иборат мураккаб ҳаракатнинг тавсифига бағишланади. Бошқача айтганда, оддий ҳаракатларни тасвирловчи ахборот бирликларидан ташкил топади. Тавсифлаш эса ҳаракатларни осонлик билан эгаллаб олиш нуқтаи назаридан шакллантирилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими мутахассисларининг малакасини ошириш жараёнида модулли ўқитиш бир қатор афзалликларни намоён этди. Хусусан, амалий кўникмаларни машқ қилиш ҳисобига ўқитишнинг сифати ошди; ўқитиш муддати қисқарди; ўқитишни индивидуаллаштириш имконияти туғилди; ўқув методик материалларни шароитга тез ва ўз вақтида мослаштириш мумкин бўлди.

Айни пайтда модулли ўқитишнинг айрим мураккаб жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, ўқув дастурлари материалларини яратиш ҳамда кўпайтириш хара-





жатлари сезиларли даражада юқори ва муддатлари чўзилиб кетиши маълум бўлди. Шунингдек, ўқитишнинг мазкур технологияси ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан боғлиқ бир қатор мураккабликларни ҳам келтириб чиқариши аниқланди. Аммо бу қийинчиликларни бартираф этиш яна ўша ўқув маркази мутахассисларининг малака салоҳиятларига боғлиқ, деб ўйлайман.

Лойиҳа доирасида республикамиз вазирликлари орасида биринчилардан бўлиб, коммунал соҳа ходимларининг малакасини ошириш курсларида модулли технологияларни қўллаш учун танланган мутахассислар ва ўқитувчи тоифаларининг малакаларини ўрганиш асосида умумий компетенциялар оптималлиги нуқтаи назаридан Халқаро меҳнат ташкилоти талабларига мос, қуйидаги 5 та замонавий модулли ўқув қўлланмалари яратилди:

- **ичимлик ва оқава сувларининг сифатини назорат қилиш;**
- **сув таъминоти, канализация ва тозалаш иншоотлари тизимларидан фойдаланиш;**
- **истеъмолчиларга ичимлик ва оқава сув хизматлари кўрсатиш;**
- **бино ва уй-жой фондларидан фойдаланиш;**
- **ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларида ишлатиладиган замонавий насослар, насос қурилмалари ва станциялари шулар жумласидандир.**

Юқорида тилга олинган ўқув қўлланмалари сув таъминоти, канализация ва тозалаш иншоотлари тизимлари инженер-техник ходимлари, насос станциялари машинистлари, кимё-бактериология лабораториялари ходимлари, ичимлик ва оқава сувлари сифатини назорат қилиш бўйича муҳандис-кимёгарлар ҳамда лаборантлар, хлорлаш ускуналари операторлари, абонентлик хизмати ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида қўллашга мўлжалланган. Ўқув қўлланмаларни яратишда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда коммунал соҳа корхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб қилинди. Шунингдек ҳам таъкидлаш лозимки, соҳа мутахассисларининг малакаларини оширишга мўлжалланган давлат тилида ёзилган дарслик ва қўлланмалар ҳозирча жуда кам. Ўқув-методик марказимизнинг келгусида амалга ошириши лозим бўлган вазифалардан бири ҳам соҳа мутахассисларининг илғор педагогик технологияларни инobatга олган ҳолда,



тажрибавий кўникмаларга эга бўлган ўзбек тилидаги қўлланма ва дарсликларни яратишдир.

Бўлғуси тингловчилар учун ўқув марказида барча шароитлар муҳайё. Энг муҳими, ўқитиш жараёни тингловчининг имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Масъулотлар тингловчи зарур малакани эгаллаганига ўзи ишонч ҳосил қилгач ёки манфаатдор томонларнинг келишувига биноан узайтирилиши, вақтинча тўхтатилиши мумкин. Шунингдек, тингловчи малака ошириш курси раҳбари билан келишган ҳолда, ўқув-машқларининг вақти, жойи, давомийлиги, жадвали, кетма-кетлиги, услубларини ўзи танлашига имконият яратилади.

**Азиз ҳамкасблар, ходимларингиз салоҳиятини оширишни истасангиз, “Kommunalo‘quv” ўқув методик маркази сизнинг хизматингизда. Тажрибадан маълумки, олинган кўникма ва малакалар тингловчида интилиш, ғайрат бўлсагина ўз самарасини беради. Ахир қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтилмайди-ку!**

**Отабек САИДАЗИМОВ,**  
“Kommunalo‘quv” ўқув-методик  
маркази директори